ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES VOLUME 2 | ISSUE 2 | 2021
ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00204

ЎЗБЕК ЛЕКСИКОГРАФИЯСИ ТАРИХИДАН

Абдишукур Мусаевич Шофқоров
Филология фанлари номзоди, Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси доценти,
Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти

АННОТАЦИЯ

Мақолада, ўзбек тилшунослигида лексикографиянинг шаклланиши, тараққиёт босқичлари ҳақида фикр юритилади. Шунингдек, луғатлар ва уларнинг турлари, луғатларнинг аҳамияти ёритилган.

Калит сўзлар: тилшунослик, лексикология, лексикография, луғат, луғат турлари, луғат тузиш.

FROM THE HISTORY OF UZBEK LEXICOGRAPHY

Abdishukur Musaevich Shofkorov
Candidate of Pilological Sciences, Associate Professor of Uzbek Language and Literature, Chirchik State Pedagogical Institute of Tashkent region

ABSTRACT

The article examines the stages of the formation and development of lexicography in Uzbek linguistics. Dictionaries and their types, the importance of dictionaries is also highlighted.

Keywords: linguistics, lexicology, lexicography, dictionary, dictionary types, dictionary compilation.

КИРИШ

Ҳар қандай тилнинг сўз бойлиги у тарихий ёки замонавий тусда бўлмасин, инсонлар томонидан тузиладиган ранг-баранг луғатларда маълум даражада аксини топади. Бугунги кунда муайян тилшуносликнинг қай даражада ривожлангани, такомил топгани айни тилда яратилган луғатларнинг тури, миқдори ва сифати билан ўлчанмоқда.

Ҳозирги вақтда лексикография масалалари, луғат тузиш анъаналари, тил ўрганишнинг ўзига хос қулай ва самарали, синовдан ўтган усулларини жорий этиш каби масалалар тилшунослар эътиборини тортмоқда.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00204

Ўзбек тилшунослигида, хусусан лексикографияда луғат тузиш, уларни тадқиқ этиш, тарихда яратилган луғатларнинг структураси ва моҳиятини ўрганиш, уларнинг қиёсий таҳлили ҳамда тадқиқига бағишланган бир қанча тадқиқотлар мавжуд.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Ўзбек тилшунослиги, хусусан лексикографияси жуда катта тарихга эга. Ўрта аср лексикографиясида кўпроқ эътибор изоҳли ва таржима луғатларга қаратилган. XX асрнинг 40-йилларидан бошлаб лексикография тилшуносликнинг алоҳида тармоғи сифатида шаклланиши натижасида унинг хилма хил турлари майдонга келди. Умумий ва хусусий изоҳли луғатлар пайдо бўлди. Луғатларнинг янги-янги турлари: энциклопедик, имло, орфоэпик-морфем, частотали, терс, фразеологик, диалектал, этимологик луғатлар яратилди.

XX асрнинг 70-йилларида ўзбек энциклопедиясининг яратилиши ўзбек лексикографиясининг улкан ютуғи бўлди. Бу луғат ўзбек лексикографияси тарихида илк қомусий луғат бўлганлиги билан қимматлидир. Шундай бўлишига қарамасдан унда собиқ иттифоқ воқелиги, шўролар сиёсати акс этганлиги учун тарихимиз, миллий анъаналаримиз, маънавий меросимиз бузиб кўрсатилган. Шунинг учун мустақиллик даврида миллий энциклопедияни яратиш энг муҳим вазифа қилиб қўйилди.

Мустақиллик йилларида миллий ўзлигимизни англаш, халқ маданияти, маънавиятини юксалтиришга катта эътибор қаратилди. Тарихий асарларда халқимизнинг урф-одатлари, анъаналари, ҳаётий қадриятлари яққол намоён бўлади. Шу боис тилнинг туркона табиатини очиб бериш, уни илмий асосда пухта ўрганишга қаратилган тадқиқотлар алоҳида аҳамият касб этмоқда. Бу эса ўз навбатида миллий тилларнинг ўзига хослигини яққол намоён этувчи тарихий манбаларни ўрганиш ҳамда чуқур таҳлил қилиш, олинган хулосаларни амалиётга татбиқ этиш, хусусан, луғат тузишнинг оптимал методларини ишлаб чиқиш заруратини келтириб чиқаради.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда аждодларимиз илмий меросини ўрганиш учун кенг қамровли имкониятлар ва шарт-шароитлар яратилиб, мазкур масалага бағишланган мақсадли илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Айни пайтда бетакрор илмий меросимизнинг ҳали тўлиқ ўрганилмаган қатламларини очиб бериш, хусусан, мамлакатимиз ҳамда чет эл фондларида сақланаётган ноёб қўлёзмаларни тадқиқ этиш устувор йўналишлардан бири

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00204

тарзида белгиланди. Бугунги кунда Ўзбекистонда сақланаётган ноёб қўлёзмаларнинг электрон базасини яратиш ва юритиш, уларни тизим асосида чуқур ўрганишни ташкил қилиш ва назарий жиҳатдан тавсифлаш, ёзма ёдгорликларнинг илмий изоҳларини ўзбек ва хорижий тилларда оммавий ахборот воситалари ва интернетда нашр қилиш, мамлакатимиз ва хорижий олимлар, мутахассислар, ўқувчи ёшларга уларнинг ижодларини таништириш ва ўрганиш учун етарли шарт-шароитлар яратилмоқда.

Бугунги кунда чет тилини ўрганишга бўлган талаб ошаётганлиги боис, кўп тилли луғатларга ҳам эҳтиёж ортиб бормоқда. Бундай луғатлар, асосан, икки мақсадда тузилади: биринчидан, ўзга тилнинг лексикаси, фонетикасини тушунишга кўмак берса, иккинчидан, ўзга тилда гаплашишга ёрдамлашади. Бу луғатлар нафақат таржима ишларида, балки тил тарихини ўрганишда ҳам ноёб манба саналади. Луғатларга қўйилаётган талабларнинг ортиб бориши, луғат турларининг хилма-хиллиги бу соҳанинг истиқболидан дарак беради. Луғатлар тараққиётида қадимдан бизнинг давримизгача қўлёзма, тошбосма тарзида етиб келган асарларнинг ўрни беқиёс.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖА

Лексикография тилшуносликнинг луғат тузиш ва унинг назарий масалалари билан шуғулланувчи соҳаси ҳисобланади. Замон ва макон таъсирида тилнинг луғат бойлиги доимий равишда ривожланиб боради. Ҳаёт, турмуш тарзи, тараққиёт ва кашфиётлар янги-янги сўзлар, тушунчаларни дунёга келтиради, баъзи сўзлар эса эскириб, истеъмолдан чиқади. Бунинг таъсирида луғатшунослик ҳам ривожланиб, бойиб боради. Маълумки, муайян ёзув ёки тилни луғатларсиз тўла маънода ўзлаштириш қийин. Луғатшунослик луғат тузиш иши сифатида турли халқларда ёзув тараққиётининг илк босқичларида у ёки бу тушунарсиз сўзнинг қандай маъно англатишини билиш эҳтиёжи натижасида пайдо бўлган. Дастлабки тузилган луғатлар умумлашган, универсал хусусиятга эга бўлган. Луғатларнинг турли шакллари, кўринишлари соҳа тараққиётининг кейинги даврларида юзага келган.

Ўзбек лексикографиясининг тараққиёт тарихини уч даврга бўлиш мумкин:

Биринчи давр энг қадимги луғатларни ўз ичига олади. Улар XI асрдан XIII асрга қадар яратилган бўлиб, Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит турк» номли машҳур асаридан бошланади. Ушбу луғат фақат сўзлар ва уларнинг маъноларини тавсифлаб қолмай, туркий халқлар тарихи, урф-

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00204

одатлари, географик жойлашуви каби кенг маълумотлар манбаи ҳам ҳисобланади. Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғотит турк” асари туркий тилда яратилган биринчи қиёсий-тарихий луғат саналади. Шунингдек, ўзбек лексикографиясининг шаклланишида Маҳмуд Замахшарийнинг “Муқаддимат ул-адаб”(Адаб илмига муқаддима) асари алоҳида илмий аҳамиятга эга.

Ўзбек луғатчидигининг иккинчи даврини XV–XIX асрнинг биринчи ярми луғатчилиги ташкил этади. Бу даврда кўпроқ Навоий асарларига тузилган луғатлар яратилган. Алишер Навоий асарларини ўрганишга бўлган қизиқиш шоирнинг ҳаётлиги чоғидаёқ бошланган эди. Бу қизиқиш кейинги асрлар давомида янада ортиб борди. Буни Алишер Навоий асарлари учун тузилган бир қанча луғатлар мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Шунингдек, бу даврда бошқа бир қанча луғатлар яратилиб, ўзбек луғатчилигини бойитди.

Ўзбек луғатчилиги тараққиётининг учинчи даври XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошланган бўлиб, бир қатор луғатлар майдонга келди. Бу даврда ўзбек лексикографияси анъаналари яна давом этди ва ривожланди.

Бу даврда яратилган лексикографик асарлардан бири Исҳоқхон Ибратнинг «Луғати сита ал-сина» («Олти тилли луғат») асаридир. Унда мингдан ортиқ сўзнинг форсча, арабча, туркча, ҳиндча, ўзбекча ва русча изоҳлари берилган. [7. 33-б.]

XIX аср охири ва XX асрнинг 1-чорагида турли сабаб ва эҳтиёжлар, давр тақозоси билан Туркистонда икки тилли луғатшунослик ривож топди, ўнлаб русча-ўзбекча, ўзбекча-русча луғатлар, сўзлашгичлар тузилиб, нашр этилди.

Бугунги кунда мамлакатимиз истиқлоли шарофати туфайли барча фан соҳаларини ривожланган давлатларда тўпланган тажрибалар асосида таҳлил қилиш ва янада такомиллаштириш имкониятлари юзага келди. Умуминсоний қадриятларни ижодий ўрганиш ва ҳаётимизга татбиқ этиш даври бошланди.

ХУЛОСА

Ўзбек тили лексикографияси ўн уч асрлик тараққиёт тарихига эга, унда даврлар оша катта миқдор ва сифат ўзгаришлари содир бўлган. Ўзбек лексикографияси ўзининг бир қанча тараққиёт босқичларини босиб ўтди. Шундай бўлсада, бугунги кунда ўзбек тилининг замонавий луғатларини тузиш вазифалари долзарб масалалардан бири бўлиб турибди.

Шунингдек, ўзбек тили ўқув лексикография тармоғини ривожлантириш, замонавий, янги авлод ўқув луғатларини тузиш ҳамда уларнинг электрон

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00204

шаклларини ва соҳалар бўйича атамалар луғатини яратиш асосий вазифалар ҳисобланади.

Бугунги кунда таълим сифатини ошириш, эркин фикрли, ўз соҳасининг устаси бўла оладиган кадрларни тайёрлаш энг муҳим вазифалардан. Таълим жараёнида сифат ўзгаришларини юзага келтириш, етук мутахассис кадрларни тайёрлаш вазифаси таълимга янгича, замонавий ёндашувларнинг ҳам кириб келишига сабаб бўлди. Замонавий таълимни ташкил этишга қўйиладиган муҳим талаблардан бири ортиқча руҳий ва жисмоний куч сарфламай, қисқа вақт ичида юксак кафолатли натижаларга эришишдир. Ўзбек тилшунослигини, хусусан лексикографияни тадқиқ этишда талабаларни интерфаол методлар билан ишлашга ўргатиш, уларда мустақил фикрлаш, маълумотларни анализ ва синтез қилиш, хулоса чиқариш, фикрини далиллаш каби хусусиятларни шакллантириб боришига хизмат қилади.

Фан-техника юксак даражада тараққий этаётган шиддатли ва тезкор даврда ўзбек тилшунослигининг барча соҳалари каби лексикографияда ҳам энг сўнгги ютуқлардан фойдаланиб, замонавий, таълим сифати самарадорлигини оширишга хизмат қилувчи луғатларни яратиш давр тақозоси ҳисобланади.

REFERENCES

1. Нурмонов А. Ўзбек тилшунослиги тарихи. Тошкент, 2002. Б. 232.
2. Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги адабий ўзбек тили. – Тошкент, Университет. – 2006.
3. Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент, Ўзбекистон, 1992.
4. Узоқов Х. Ўзбек тилшунослари. -Тошкент, Фан, 1972.
5. Умаров Э.А. Эски ўзбек луғатлари. – Тошкент, 1992.
6. Холманова З. Тилшуносликка кириш. -Тошкент, 2007.
7. Ўзбек адабиёти тарихи. V том. – Тошкент, 1980.
8. Ўринбоев Б., Қурбонов Т. Ўзбек тилшунослиги тарихи. Ўқув қўлланма, - Самарқанд, 2006.